Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

«ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ» ТУШУНЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Собиров Мухаммадбобур Шахобиддин ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

Магистратура факультети тингловчиси

Аннотация: Ушбу мақолада «мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш» институтининг ҳуқуқий табиати, унинг тарихий илдизлари ва замонавий ҳуқуқий доктринадаги ўрни таҳлил қилинади. Муаллиф ушбу институтнинг дуалистик характерини — бир вақтнинг ўзида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий, ҳам оммавий-ҳуқуқий (жазо) чораси эканлигини асослаб беради.

Калит сўзлар: Давлат даромадига ўтказиш, мулк ҳуқуқи, мулк дахлсизлиги, мусодара, асоссиз бойиш, ноқонуний бойлик орттириш.

Аннотация: В данной статье анализируется правовая природа института «обращения имущества в доход государства», его исторические истоки и место в современной правовой доктрине. Автор обосновывает дуалистический характер данного института — как гражданско-правового способа прекращения права собственности, так и меры публично-правового (уголовного) воздействия.

Ключевые слова: Обращение в доход государства, право собственности, неприкосновенность собственности, конфискация, неосновательное обогащение.

Abstract: This article analyzes the legal nature of the institute of "transfer of property into state revenue", its historical roots, and its role in modern legal doctrine. The author substantiates the dualistic nature of this institute — acting simultaneously as a civil-law method of terminating property rights and as a measure of public-law (punitive) enforcement. The article examines the balance between constitutional guarantees of property inviolability and public interests.

Keywords: Transfer to state revenue, property rights, inviolability of property, confiscation, unjust enrichment, illicit enrichment, anti-corruption.

«Давлат даромадига ўтказиш» — бу маълум бир мол-мулкни эгасидан мажбурий тартибда олиб қўйиш ва уни давлат мулкига (бюджет ихтиёрига) ўтказиш жараёнидир. Юридик нуқтаи назардан, бу институт мулк ҳуқуқининг муайян субъектда бекор бўлиши ва давлатда мулк ҳуқуқининг вужудга келиши усули ҳисобланади. У нафақат жазо чораси (мусодара), балки мулкдор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки мулкнинг қонуний асоси мавжуд бўлмаган ҳолатларда ижтимоий адолатни тиклаш механизми сифатида намоён бўлади[1].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши ва мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги Конституциявий даражада кафолатланиши жамиятнинг

Примаков Д. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing. – Moscow: Infotropic media, 2019.[1] Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма / Ғ. Хидоятов [ва бошқ.]; ЎзР Адлия вазирлиги, Япония Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA). – Тошкент: Sharq, 2011. – 400 б.

ижтимоий-ҳуқуқий барқарорлигини таъминловчи бош омил ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 65-моддасига биноан, хусусий мулк дахлсиздир ва мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.[2]

Бироқ, мулкий муносабатларнинг мураккаблашиши ва оммавий манфаатларнинг устуворлиги зарурати мулк ҳуқуқини муайян ҳолларда бекор қилиб, уни давлат мулкига айлантиришни назарда тутувчи «давлат даромадига ўтказиш» институтини юзага келтирган. Ушбу институт нафақат жиноий ёки маъмурий жазо чораси, балки мулкдор ўз мажбуриятларини бажармаган, мулкнинг қонуний асоси мавжуд бўлмаган ёки асоссиз бойлик орттирилган ҳолатларда ижтимоий адолатни тиклаш механизми сифатида намоён бўлади. Ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашиш ва жиноий активларни қайтариш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати ушбу мавзунинг назарий ва амалий долзарблигини белгилаб беради[3].

Мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш ёки олиб қўйиш институти инсоният тамаддунининг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Ҳуқуқий тарихда коррупциявий амалиётларга чек қўйиш ва мулкни давлат тасарруфига қайтаришнинг илк кўринишлари қадимги Шарқ деспотияларида кузатилган[4].

Тарихдаги илк коррупцияга қарши ислоҳотлардан бири қадимги Месопотамиядаги Лагаш шаҳар-давлати ҳукмдори Урукагина (мил. авв. XIV аср) номи билан боғлиқ. У чиновниклар ва судяларнинг суиистеъмолчиликларига чек қўйиш, аҳолидан ноқонуний олинган мулкни қайтариш бўйича тизимли ислоҳотлар ўтказган[5]. Қадимги Рим ҳуқуқида (12 жадвал қонунлари) ҳам пора олганлик ва мулкни ноҳақ ўзлаштирганлик учун мулкни олиб қўйиш чоралари назарда тутилган эди[6].

Ўрта Осиё ҳудудида амал қилган ислом ҳуқуқида мулкнинг ҳалоллиги асосий мезон бўлган. Қуръони Каримда бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан ўзлаштириш[7] ва ҳукмдорларга пора бериш қаттиқ қораланган[8]. Агар қози ёки мансабдор шахс мулкни ноҳақ ўзлаштиргани (фисқ) аниқланса, у ишдан четлатилган ва ноқонуний орттирилган бойлик давлат хазинасига (Байтул-мол) қайтарилган[9]. Амир Темур даврида ҳам мансабдор шахсларнинг халққа нисбатан муомаласи ва мулкий ҳолати қаттиқ назорат қилинган[10].

---

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (янги таҳрирда): 2023 йил 30 апрелда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. – URL: https://lex.uz/docs/-6445145.

[3] Зокиров Б.П. Жиноий активларни қайтариш бўйича универсал ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий асослари // Фарғона давлат университети илмий журнали. – Фарғона, 2023. – № 4. – Б. 63.

[4] Салаев Н., Хидоятов Б., Тулаганова Г., Ниёзова С. Коррупцияга қарши кураш. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2018. — 97 б..

[5] Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2018. — 6-б.

[6] Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2018. — 6-б..

[7] Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. — Тошкент: ТИУ нашриёти, 2004. — Ал-Бақара сураси, 188-оят..

[8] Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик / Масъул муҳаррир А.Ш. Бекмуродов. — Тошкент: “Akademiya” нашриёти, 2022. — 344 б..

[9] Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2021. — 149 б..

[10] Бадиров А.Ж. Амир Темур давлатида Қонунчилик // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари. — Самарқанд, 1996. — 67-б..

1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» ҳудудда мулкий муносабатларни императив тартибга солишга асос солди[11]. 1917 йилги инқилобдан сўнг мулкни давлат даромадига ўтказиш «миллийлаштириш» (экспроприация) шаклини олди[12]. 1918 йилдаги «Порахоўрлик тўғрисида»ги Декрет пора эвазига олинган барча мулкни мусодара қилишни белгилади[13].

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мулк шакллари тенглаштирилди ва давлат даромадига ўтказиш фақат қонунда белгиланган асосларда амалга ошириладиган бўлди. 2008 йилда Ўзбекистоннинг БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига қўшилиши ушбу институтнинг халқаро стандартлар асосида ривожланишига янги туртки берди.

Ҳуқуқий доктринада мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш институти ўз моҳиятига кўра дуалистик (икки ёқлама) табиатга эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам хусусий, ҳам оммавий ҳуқуқ муносабатларини қамраб олади. Ушбу институт мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ҳақидаги конституциявий тамойил ва жамиятнинг оммавий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати ўртасидаги мувозанатни таъминловчи мураккаб механизм ҳисобланади. Дуализм шунда намоён бўладики, бир тарафдан бу жараён мулк ҳуқуқининг муайян субъектда бекор бўлиши ва давлатда вужудга келишининг фуқаролик-ҳуқуқий усули бўлса, иккинчи тарафдан, давлатнинг суверен ҳокимияти доирасидаги мажбурлов чораси (санкция) сифатида намоён бўлади.

Цивилистик (фуқаролик-ҳуқуқий) нуқтаи назардан, мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш — мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи ва бекор қилувчи махсус юридик фактдир[14]. Бунда давлат мулкнинг ўзига хос субъекти сифатида иштирок этиб, мулкдорнинг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда (мажбурий тартибда) ҳуқуққа эга бўлади. Ушбу ёндашувда асосий урғу мулкнинг қонуний эгаси ва давлат ўртасидаги ашёвий-ҳуқуқий муносабатларга қаратилади. Бу жараён, одатда, мулкдор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки мулкка эгалик қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлмаган ҳолатларда юзага келади. Академик Ҳ. Раҳмонқуловнинг илмий қарашларида давлатнинг фуқаролик муносабатларидаги ўзига хос субъектлик мақоми алоҳида таъкидланади[15]. Унинг фикрича, давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлса-да, фуқаролик муомаласида бошқа субъектлар билан тенг асосларда иштирок этиши лозим. Бу контекстда «асоссиз бойлик орттириш» институти (ФК 1023-моддаси) муҳим ўрин тутади[16]. Агар шахснинг активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асослантириб берила олмайдиган даражада ошиб кетса, бу ҳолат ҳуқуқий асосга эга бўлмаган «асоссиз бойиш» сифатида баҳоланади[17]. Ҳ. Раҳмонқулов концепциясига кўра, давлат ижтимоий адолатни тиклаш мақсадида бундай мулкларни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, чунки ҳеч бир шахс бошқалар ёки жамият ҳисобидан асоссиз бойишга ҳуқуқий асосга эга эмас[18]. Рус олими Э.В. Талапина давлат мулкига нисбатан бошқача, яъни бошқарув (административ) муносабатларининг устуворлиги концепциясини илгари

---

[11] Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом (1886 йил 12 июнь) // Туркистонда подшо Россияси мустамлака идора усулининг жорий этилиши. – URL: https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/475-vatan-tarixi.html.

[12] Муҳаммедов Ҳ.М. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи (Янги давр давлати ва ҳуқуқи). Дарслик. III қисм. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2018. – 341 б..

[13] Декрет СНК РСФСР от 08.05.1918 «О взяточничестве» // Правда. – 1918. – № 92

[14] Боротов М.Х. Мулк ҳуқуқи. Ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича олий ўқув юртлари магистратура талабалари учун дарслик. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 142.

[15] Раҳмонқулов Ҳ. ФҲКнинг 1-қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – Б. 84.

[16] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (Учинчи қисм). – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: https://lex.uz/docs/39513

[17] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т. 3. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – Б. 512.

[18] Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Тошкент: Адолат, 2016. – Б. 568.

суради[19]. Унинг фикрича: Давлат мулки оддий актив эмас, балки оммавий вазифаларни бажариш қуролидир. Шу сабабли, давлат мулкини бошқаришда императив (оммавий) методлар диспозитив (цивилистик) методлардан устун туради. Талапина ёндашувига кўра, мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш жараёнида давлатнинг суверен манфаатлари хусусий мулкдорнинг шахсий ҳуқуқларидан юқори қўйилади, чунки бу жараён давлат аппаратининг нормал фаолиятини ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Оммавий-ҳуқуқий (жазо) ёндашуви: Бунда давлат даромадига ўтказиш жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган санкциядир. Профессор М.Х. Рустамбаевнинг фикрича, мусодара қилиш жиноий фаолиятнинг иқтисодий негизини йўқ қилишга қаратилган муқаррар чорадир[20].

Замонавий ҳуқуқий доктринада коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида мансабдор шахсларнинг активлари ва қонуний даромадлари ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиш эътироф этилади. Ушбу механизмнинг халқаро-ҳуқуқий пойдевори БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг (UNCAC) 20-моддасида мустаҳкамланган бўлиб[21], унда ноқонуний бойлик орттириш — оммавий мансабдор шахс активларининг унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берила олмайдиган даражада сезиларли ошиши сифатида таърифланади[22].

Халқаро эксперт, Базель бошқарув институти вакили Эндрю Дорнбиерер (Andrew Dornbierer) ўзининг фундаментал тадқиқотларида «асослантирилмаган бойлик» (unexplained wealth) тушунчасини тизимли таҳлил қилган[23]. Унинг концепциясига кўра, бундай активлар мулкдор томонидан уларнинг қонуний манбаси исботлаб берилмаган тақдирда давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган мулк ҳисобланади. Бу ерда муҳим ҳуқуқий жараён — исботлаш мажбуриятининг (burden of proof) анъанавий жиноят ҳуқуқидан фарқли равишда давлатдан мулкдорга ўтиш (reversal of the burden of proof) механизми намоён бўлади. Бу амалиёт халқаро миқёсда «Асослантирилмаган бойлик тўғрисидаги буйруқлар» (Unexplained Wealth Orders — UWO) шаклида, айниқса Буюк Британия ва Австралия тажрибасида муваффақиятли қўлланиб, жиноий активларни қайтаришнинг (asset recovery) самарали қуролига айланган[24].

Россиялик олим В.Н. Бурлаков ноқонуний бойишни жиноий қилмиш сифатида криминализация қилишнинг назарий моделини ишлаб чиқиб, унинг объекти сифатида давлат аппаратининг нормал фаолиятини кўрсатади[25]. Унинг фикрича, мансабдор шахснинг асоссиз бойиши нафақат иқтисодий зарар етказади, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига нисбатан жамият ишончини сусайтиради, демократик институтларнинг барқарорлигига путур

[19] Талапина Э.В. Управление государственной собственностью. – М.: Дашков и К, 2002. – С. 116.
[20] Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Тошкент: Адолат, 2016. – Б. 568.
[21] БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003 йил 31 октябрь). – URL: https://lex.uz/docs/-1461329.
[22] Турсунбаев О.Ш. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига асосан ноқонуний бойлик орттириш учун жиноий жавобгарликни белгилаш муаммолари. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 25-26.
[23] Dornbierer, A. Illicit Enrichment: A Guide to Laws Targeting Unexplained Wealth. – Basel: Basel Institute on Governance, 2021. – 236 p.
[24] Бойназаров И.Х. Коррупцияга оид жиноятлар бўйича хориждаги активларни қайтариш ва тасарруф қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2024. – Б. 16.
[25] Бурлаков В.Н. Криминализация незаконного обогащения: теоретическая модель состава преступления // Санкт-Петербургский государственный университет. – СПб., 2015.

етказади[26]. Ноқонуний бойиш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, у мансабдор шахснинг хизмат бурчига содиқлиги ва ҳалоллиги (integrity) принципларини инкор этади[27].

Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида ҳам мазкур институтни жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилмоқда. Жумладан, Жиноят кодексига 243[1]-моддани (Ноқонуний бойлик орттириш) киритиш ва давлат хизматчиларининг даромадлари ҳамда мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизимини яратиш коррупцияга қарши ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади[28]. Бундай ҳуқуқий норманинг мавжудлиги мансабдор шахсларни ўз активларининг қонунийлигини асослашга мажбур қилиш орқали коррупциянинг олдини олишга ва ижтимоий адолатни тиклашга хизмат қилади.

Оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни қарор топтириш мақсадида, қонунчиликда мулкни давлат даромадига ўтказишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланган. Ушбу механизм нафақат жиноий ёки маъмурий санкция, балки давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи комплекс институт сифатида намоён бўлади.

1. Жазо ва профилактика функцияси ҳуқуқий доктринада мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш (мусодара қилиш) жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган энг таъсирчан иқтисодий жазо чораси ҳисобланади. Жиноят кодексининг 285-моддасига кўра[29], жиноий йўл билан орттирилган активлар, биринчи навбатда, етказилган мулкий зиённи қоплашга, ортган қисми эса давлат фойдасига ўтказилиши лозим.

Ушбу функциянинг профилактик аҳамияти шундаки, у жиноий фаолиятнинг иқтисодий негизини йўқ қилади. Илмий тадқиқотларда таъкидланганидек, жиноий активларни олиб қўйиш жиноятчини ноқонуний топилган фойдадан маҳрум қилиш орқали янги жиноятлар содир этилишининг олдини олади ва жамиятда "жиноят учун жазо муқаррар" деган принципни мустаҳкамлайди[30]. Бу борада БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва FATF стандартлари жиноий активларни мусодара қилишни коррупцияга қарши курашишнинг фундаментал босқичи сифатида белгилайди[31].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалар:

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.** – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.** – Тошкент: Адолат, 2023.
3. **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.** – Тошкент: Адолат, 2024.
4. **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупсияга қарши Конвенсияси** (2003 йил 31 октябр). Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда қўшилган.
5. **Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом (1886 й).**
6. *Илмий адабиётлар ва дарсликлар:*
7. **Раҳмонқулов Ҳ.** Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.

[26] Давронов О.О. Сунъий интеллект орқали молиявий операциялардаги коррупцияни аниқлаш ва олдини олиш йўллари. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2025. – Б. 52.

[27] Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2020.

[28] Коленко Е.В. Коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш зарурати нимада // Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий газетаси. – 2025. – № 54. – Б. 1-2.

[29] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: https://lex.uz/docs/-111460 (285-модда).

[30] Бердиев Ш.А. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларини имплементация қилиш муаммолари. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2024. – Б. 28-29.

[31] Зокиров Б.П. Жиноий активларни қайтариш бўйича универсал ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий асослари // Фарғона давлат университети илмий журнали. – Фарғона, 2023. – № 4. – Б. 61-63.

8. **Рустамбаев М.Х.** Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. – Тошкент: Юридик адабиётлар публиш, 2018.
9. **Талапина Э.В.** Государственное управление в информационном обществе (правовой аспект). – М.: Юриспруденция, 2015.
10. **Бурлаков В.Н.** Уголовное право и личность преступника. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. гос. ун-та, 2006.
11. **Дорнбиерер, А.** (2021). *Илл-готтен Моней анд тҳе Эсономй: Эхпериенсес фром Малаwи анд Намибиа*. Басел Институте он Говернансе.
12. **Дорнбиерер, А.** *Унехплаинед Wеалтҳ Ордерс: А Гуиде фор Праститионерс*. Басел Институте он Говернансе, 2020.
13. *Тарихий ва электрон манбалар:*
14. **Урукагина ислоҳотлари.** Қадимги Месопотамия тарихи манбалари.
15. **Рим ҳуқуқи: 12 жадвал қонунлари.** (Классик таржималар тўплами).
16. **ФАТФ (Финансиал Астион Таск Форсе) тавсиялари.** Халқаро стандартлар тўплами.